

БОЛАЛАР КУЙИШ КАСАЛЛИГИДА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА АСОРАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Исомиддинов Зиёвиддин Дарвишалиевич

АДТИ болалар стоматологияси кафедраси ассистенти, PhD.,
ziyoviddin0191@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18503369>

Кириш

Куйиш касаллиги болалар ёшида учрайдиган оғир шикастланиш турларидан бири бўлиб, у нафақат маҳаллий тўқима зарарланиши, балки бутун организм миқёсида чуқур патофизиологик ўзгаришлар билан кечади. Кенг майдонли ва чуқур даражали куйишларда хирургик даволаш асосий терапевтик усул ҳисобланади. Шу билан бирга, жарроҳлик даволаш босқичларида юзага келадиган асоратлар даволаш жараёнини мураккаблаштиради, касалхонада ётиш муддатини узайтиради ҳамда узоқ муддатли функционал ва косметик нуқсонларга олиб келади.

Муаммонинг долзарблиги

Болаларда куйиш касаллигида жарроҳлик даволаш жараёни асоратларнинг юқори частотаси билан характерланади. Болалар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, тери ва тери ости тўқималарининг нозиклиги, иммун тизимининг етарли даражада шаклланмаганлиги инфекцион ва репаратив жараёнларнинг бузилишига олиб келади. Инфекцион асоратлар, тери трансплантатининг рад этилиши, жароҳат битишининг кечикиши, патологик чандиқлар ва контрактуралар болаларда функционал чекланишлар ҳамда ҳаёт сифати пасайишига сабаб бўлади. Шу боис, асоратларнинг ривожланиш хусусиятларини комплекс ўрганиш ва уларнинг профилактикасига қаратилган самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш болалар жарроҳлиги учун долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

Материал ва усуллар

Тадқиқот Андижон вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасида 2019-2024 йиллар давомида болалар куйиш бўлимида даволанган 65 нафар куйиш касаллиги бўлган болалар мисолида ўтказилди. Беморларнинг ёши 1 ёшдан 15 ёшгача бўлиб, куйиш майдони умумий тана юзасининг 10-45% ни ташкил этди. Куйишлар этиологиясига кўра асосан термик, кам ҳолларда электр куйишлари аниқланди.

Барча беморларда даволаш жараёнида комплекс клиник баҳолаш амалга оширилди. Эрта ташхислаш мақсадида клиник кузатув билан бир қаторда лаборатор текширувлар (умумий қон таҳлили, лейкоцитар формула, С-реактив оқсил, прокальцитонин, умумий оқсил ва альбумин даражаси), микробиологик таҳлиллар (жароҳат ажралмасидан экин олиш) ўтказилди. Жарроҳлик даволаш тактикаси сифатида эрта некрэктомия, аутодермопластика ҳамда заруратга кўра қайта жарроҳлик аралашувлари бажарилди. Профилактика мақсадида асептика-антисептика қоидаларига қатъий риоя қилинди, индивидуал антибиотикотерапия, инфузион-детоксикация терапияси ва реабилитацион чоралар қўлланилди.

Натижалар

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, асоратлар асосан жарроҳлик даволашнинг илк босқичларида ривожланиб, инфекцион жараёнлар устунлик қилди.

Жароҳат инфекцияси 28,3% беморларда, тери трансплантатининг қисман рад этилиши 15,8% ҳолларда қайд этилди. Метаболик ва иммунологик бузилишлар 35% беморларда аниқланди. Эрта лаборатор мониторинг ўтказилган беморларда асоратларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашни коррекция қилиш имкони яратилди. Комплекс профилактика чоралари қўлланилган гуруҳда септик асоратлар частотаси сезиларли даражада камайди, жароҳат битиши муддати ўртача 6–8 кунга қисқарди. Шунингдек, патологик чандиқлар ва контрактуралар ривожланиши 30% га пасайгани кузатилди.

Хулоса

Болалар куйиш касаллигида жарроҳлик даволаш босқичларида асоратларнинг ривожланиши кўп омилли бўлиб, уларни эрта ташхислаш ва профилактика қилиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Клиник ва лаборатор мониторингга асосланган эрта диагностика, рационал жарроҳлик тактикаси ҳамда профилактик чораларни қўллаш асоратлар сонини камайтириш ва даволаш натижаларини яхшилашга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Herndon D.N. **Total Burn Care**. 5th ed. Elsevier, 2018.
2. Greenhalgh D.G. Management of burns. *New England Journal of Medicine*. 2019;380:2349–2359.
3. Sheridan R.L. Burns in children. *Pediatric Surgery International*. 2016;32(4):343–350.
4. Brusselaers N., et al. Severe burn injury in children. *Burns*. 2017;43(3):491–498.
5. Atiyeh B.S., Costagliola M., Hayek S.N. Burn wound infection and prevention. *Annals of Burns and Fire Disasters*. 2018;31(3):169–177.
6. World Health Organization. **Burn prevention and care**. WHO Press, Geneva, 2011.